

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 17 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, судья З.Нуриддиновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Тоштемировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг ўринбосари Ф.Расулов, судланувчи Д.Абидходжаев ва унинг ҳимоячилари «Advokat Kamilov» адвокатлик бюроси адвокати С.Камилов ва «Tuuchiyeva Shaxnoza Dilshadovna» адвокатлик бюроси адвокати Ш.Туйчиева, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Ф.Хожиматовнинг иштирокида, Абидходжаев Джахангир Дилшадовичга оид 1-1008-2206/248-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абидходжаев Джахангир Дилшадович (Abidxodjayev Djaxangir Dilshadovich), 1977 йил 7 февралда Сирдарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, С.Абдулла кўчаси 43-уйда яшайди, “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Абидходжаев Джахангир Дилшадович унга ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, умумий қасд билан қамраб олинган ягона мақсадда ҳаракатланиб, 2021 йил апрель-май ойлари оралигида Тошкент шаҳар Олмазор тумани “Орзу” МФЙ ҳудудида жойлашган “RUSSIAN SWEETS” МЧЖда ҳайдовчи-экспедитор бўлиб ишлаб келиб, “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларида жойлашган озиқ-овқат дўконларига тарқатилган шоколад ва ширинлик маҳсулотларининг сотувидан тушган 46.500.000 сўм пулларини “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ газнасига топширмасдан, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Судланувчи Абидходжаев Джахангир Дилшадович суд мажлисида, айбига умуман иқрорлик билдирмай, 2021 йилнинг апрель ойида “RUSSIAN SWEETS” МЧЖга ҳайдовчи-экспедиторлик вазифасига синов муддатига оғзаки келишув асосида ишга жойлашганлиги, унга “Лабо” автомашинаси бириктирилганлиги, у 2021 йил 12 апрель куни иш бошлаганлиги, Лабо автомашинасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудидаги озиқ овқат дўконларига шоколад



маҳсулотларини тарқатиб юрганлиги, яъни унинг иш вазифасига МЧЖ дан буюртма асосида олинган ширинлик маҳсулотларни буюртмачига етказиб бериш ва етказиб берилган буюртма учун тўловларни қабул қилиб корхона кассасига топшириш, агарда буюртмачи томонидан тўлов бўлмаса, накладной реестрларни қайтариб олиб келиб МЧЖга топшириш юклатилганлиги, у “RUSSIAN SWEETS” МЧЖда тахминан 2021 йил апрель-май ойларида ишлаганлиги, у МЧЖда ишлаб юрган вақтида реестр ҳужжатлари МЧЖ кассири томонидан солиштирув-текшируви ўтказилганида у томонидан МЧЖ кассасига топширилган тўлов пуллари кам топширилганлиги ва камомад борлиги аниқланганлиги айтишганлиги, кейин кассир Рахматилла ака ундан нима сабабдан кассага кам миқдорда тўлов пулини топширганини сабабини сўраганида, у ушбу пулларни озгина қисмини ўз эҳтиёжига ишлатиб қўйганини айтганлиги, орадан 3-4 кун ўтиб, МЧЖ раҳбари Ф.Хожиматов уни офисга чақиртирганлиги ва унга МЧЖда жами 70.000.000 сўм камомад чиқаётганлигини айтганлиги, у Ф.Хожиматовга унча пул ишлатмаганлигини, даволанишга ва бошқа харажатлари учун 10.000.000 сўм атрофида пул ишлатган бўлиши мумкинлигини айтганлиги, шундан сўнг улар қайтадан ҳисоблаб, 46.000.000 сўм камомад чиққанлигини айтишганлиги, кейин МЧЖ офисида Ф.Хожиматов унга босим ўтказиб, 46.000.000 сўмга тилхат ёздириб олганлиги, барча тилхатларни босим остида ёздиритилганлиги, у бунча пулни ўзлаштирмаганлиги, суриштирув жараёнида Олмазор тумани Орзу МФЙ профилактика инспекторининг хизмат хонасида у ушбу пуллардан 9.500.000 сўм пулларни “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ раҳбари Ф.Хожиматовга қайтарганлиги, у билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилмаганлиги, у 46.000.000 сўм пулларни ўзлаштирмаганлиги, тахминан 10.000.000 сўм атрофида пул ишлатганлиги, “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ раҳбари Ф.Хожиматов томонидан тақдим этилган реестрлардаги имзолар уники эмаслиги, МЧЖ раҳбари келиб чиққан камомадни унинг бўйнига қўяётганлиги, “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ офисида ва маҳалла идорасида унга босим ўтказиб тилхат ёздиритилганлигини билдириб, ишни адолатли ҳал этишни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Хожиматов Файзулло Хамидуллаевич суд мажлисида қуйидагиларни, яъни ҳозирда Олмазор тумани ҳудудида жойлашган “RUSSIAN SWEETS” МЧЖда раҳбар бўлиб ишлаши, у раҳбарлик қиладиган МЧЖ шоколад ва ширинлик маҳсулотларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги озиқ-овқат дўконларига реализация тартибида сотувга тарқатиши, 2021 йил апрель ойида Олмазор тумани “Орзу” МФЙ ҳудудида жойлашган “RUSSIAN SWEETS” МЧЖга Абидходжаев Джахангир Дилшадович ҳайдовчи-экспедитор лавозимида ишга қабул қилинганлиги, кейин у ўз иш фаолиятини бошлаганлиги, Д.Абидходжаевга МЧЖдан буюртма асосида маҳсулотларни буюртмачига етказиб бериш ва етказиб берилган буюртма учун тўловларни қабул қилиб, корхона кассасига топшириш юклатилганлиги, лекин у икки ой муддат ушбу корхонада ишлаб дўконлардан сотилган шоколад пулларини олиб, МЧЖ ғазнасида топширмасдан, пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборганлиги, унга бу ҳақда корхона кассири Рахматулла ака



хабар берганлиги, кейин у бир неча бор Д.Абидходжаев билан ўзаро суҳбатлашган вақтида у Ф.Хожиматовга ушбу пулларни оилавий зарурияти сабабли ишлатиб қўйганлигини тан олганлиги, Д.Абидходжаев унга “уни жигари касал эканлигини ва дори-дармонга” пул кераклиги сабабли ушбу пулларни ишлатиб қўйганини айтганлиги, у Д.Абидходжаевни тўғри тушуниб, унга пулларни ишлаб жойига қўйишни айтганлиги, лекин кейинги ойдан унда яна шу каби камомадлар келиб чиқа бошлаганлиги, кейин у МЧЖда ички ревизия ўтказганида Абидходжаев Джахангир жами 46.500.000 сўм пулларни ўзлаштириб юборганлиги аниқланганлиги, шундан кейин Жаҳонгир унга бир неча маротаба, ушбу ишлатиб қўйган пулларни жойига қўйиб қўйиш ҳақида тилхат ёзиб берганлиги, ушбу пуллардан 9.500.000 сўм пулларни қайтариб берганлиги, қолган 37.000.000 сўм пулларни ҳозирги кунга қадар қайтариб бермаганлиги, шундан кейин у ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлганлигини билдириб, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Юлдашалиев Эргашали Убайдулло ўғли суд мажлисида қуйидагиларни, у ҳозирда Олмазор тумани Орзу МФЙда жойлашган 177-сонли ҳуқуқ тарғибот масканида профилактика инспектори лавозимида ишлаши, 2021 йил 1 октябрь куни “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ раҳбари Ф.Хожиматов, Олмазор тумани ИИО ФМБ раҳбари номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида уни МЧЖда ишловчи Д.Абидходжаев МЧЖга тегишли бўлган пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини маълум қилганлиги, шундан сўнг у томонидан суриштирув ишлари олиб борилган вақтда “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ раҳбари Ф.Хожиматов ва МЧЖга ҳайдовчи экспедитор лавозимида ишга кирган фуқаро Абидходжаев Джахангир Дилшадович билан суҳбатлашганлиги, суҳбат давомида Д.Абидходжаев ҳақиқатдан ҳам ушбу МЧЖда ҳайдовчи экспедитор лавозимида ишлаганлиги, МЧЖ пулларини ишлатиб қўйганлигини маълум қилиб, ўз хоҳиши билан тушунтириш хати ёзиб берганлиги, тушунтириш хатида ҳақиқатдан ҳам 46.000.000 сўм пулларни ишлатиб қўйганлигини тан олиб ёзиб берганлиги, тушунтириш хати ёзишда МЧЖ раҳбарияти томонидан унга жисмоний босим ўтказилмаганлиги, унга офис ичида тилхат ёздиришганлигини айтганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Абдуллаев Абдуллажон Юсуфжонович суд мажлисида қуйидагиларни, яъни ҳозирда Олмазор тумани ҳудудида жойлашган “RUSSIAN SWEETS” МЧЖда супервайзер лавозимида ишлаши, унга МЧЖда юритиладиган барча савдо-сотик юзасидан ҳисоб китоб қилиш юклатилганлиги, 2021 йил апрель ойида Д.Абидходжаев у ишлайдиган МЧЖга ҳайдовчи экспедитор лавозимида ишга кирганлиги ва ушбу МЧЖда тахминан икки ой муддат ишлаганлиги, Абидходжаев Джахангир Дилшадович, у ишлайдиган фирмада, ҳайдовчи-экспедитор лавозимида тахминан икки ой муддат фолият олиб борганлиги, ушбу давр мобайнида Д.Абидходжаев унга топширилган молларни дўконларга олиб бориб тарқатганлиги ва ушбу тарқатилган шоколад маҳсулотларини пулларини олиб келиб, МЧЖ ғазнасида топширмаганлиги, шундан сўнг МЧЖ томонидан ички текширув ўтказилиб, ушбу камомад келиб чиққанлиги, ҳайдовчи экспедитор вазифасига буюртмачи томонидан буюртма



асосида маҳсулотларни буюртмачига етказиб бериш ва етказиб берилган буюртма учун тўловларни қабул қилиш, дўконлар буюртмаларни қабул қилиб олганидан сўнг, тўлов пулларини МЧЖга олиб келиб, кассага топшириши кераклиги, лекин буюртмачи томонидан буюртма учун пул ўтказиш йўли билан амалга оширилса, пул ўтказиш тартибини фирма ҳисобчиси амалга ошириши, лекин Д.Абидходжаев дўконлардан олинган нақд пулларни МЧЖ кассасига топширмаганлиги, шундан сўнг Д.Абидходжаев билан ўзаро суҳбатлашилганида у қарздорлигини тан олгани ва тилхат ёзиб берганлиги, у билан суҳбатлашилганида у ҳақиқатдан ҳам 46.000.000 сўм пулларни ишлатиб қўйганлигини тан олганлиги, Д.Абидходжаевга у ёки МЧЖ раҳбарияти томонидан руҳий ёки жисмоний босим ўтказилмаганлиги, Д.Абидходжаев ушбу тилхатни ёзганидан кейин у ҳам холис тариқасида ушбу тилхатга имзо қўйганлиги, Д.Абидходжаев ушбу тилхатни ўз хохиши билан эркин тартибда офис ичида ёзиб берганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Дўстов Хайрулла Нарзиллаевич суд мажлисида қуйидагиларни, яъни ҳозирда Юнусобод туманида жойлашган 454-сонли ҳуқуқ тарғибот масканида профилактика катта инспектори лавозимида хизмат қилиши, 2021 йил май-июнь ойларида тахминан соат 12:30да хизмат ҳудудида жойлашган Юнусобод тумани «Қорхожи ота» кўчасида икки фуқаро ўзаро оғзаки равишда гап таллашиб турганини кўрганлиги, кейин уларни олдига келганида ушбу фуқаролар унинг ҳудудида яшовчи Ф.Хожиматов ва Д.Абидходжаевлар эканлигини билганлиги, сўнг уларни олдига келиб нима бўлганлиги ва нима сабабдан улар ўзаро тортишаётганлигини сўраганида бунга жавобан Ф.Хожиматов унга Д.Абидходжаев “RUSSIAN SWEETS” МЧЖда ишлаганлиги ва МЧЖга тегишли пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини маълум қилганлиги, шундан сўнг у уларни маҳалла идорасига таклиф қилганлиги, кейин у томонидан суриштирув ишлари олиб борилган вақтда Ф.Хожиматов “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ раҳбари эканлиги, Д.Абидходжаев ушбу МЧЖда ҳайдовчи экспедитор лавозимида ишлагани, Абидходжаев Джахангир Дилшадович МЧЖга тегишли бўлган бир неча миллион сўмни ўз эҳтиёжи учун сарф қилиб юборганлиги маълум бўлганлиги, шундан сўнг МЧЖ Олмазор тумани ҳудудида жойлашганлиги сабабли, у Ф.Хожиматовга Олмазор туман ИИО ФМБга мурожаат қилишини айтганлиги, сўнг Ф.Хожиматов Олмазор туман ички ишлар бўлими қаерда жойлашганлигини билмаслигини айтганлиги, сўнг у уларни Олмазор туман ички ишлар бўлими олдига олиб борганлиги, бу вақтда тахминан соат 13:30 лар атрофида бўлганлиги, орадан 5 минут вақт ўтиб, Д.Абидходжаевни опаси Туйчиева Шахноза етиб келганлиги, Ш.Туйчиева адвокат бўлиб ишлашини айтганлиги, Д.Абидходжаев опаси Ш.Туйчиеванинг иштирокида қарзи борлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлиги, маҳалла идорасида ҳеч ким Д.Абидходжаевга бирор бир руҳий ёки жисмоний босим ўтказмаганлиги, Д.Абидходжаев 46.000.000 сўм қарзи борлигини айтгани, шу пайт уни олдида опаси Ш.Туйчиева ҳам бўлганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг



кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Д.Абидходжаевнинг айби юқорида келтирилган далиллардан ташқари, жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, далолатномалар, Д.Абидходжаевнинг жабрланувчи Ф.Хожиматовга ёзиб берган тушунтириш хатлари, “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ ҳужжатлари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Судланувчи Д.Абидходжаевнинг “у 46.000.000 сўм пулларни ўзлаштирмаганлиги, тахминан 10.000.000 сўм атрофида пул ишлатганлиги, “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ раҳбари Ф.Хожиматов томонидан тақдим этилган реестрлардаги имзолар уники эмаслиги, МЧЖ раҳбари келиб чиққан камомадни унинг бўйнига қўяётганлиги, “RUSSIAN SWEETS” МЧЖ офисида ва маҳалла идорасида унга босим ўтказиб тилхат ёздиришганлиги” ҳақидаги кўрсатувлари ва келтирган важларига танқидий баҳо бериб, унинг ушбу важлари асоссиз, ўзи томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлар учун муқаррар бўлган жавобгарликдан қочиш ва судни чалғитиш мақсадида келтирилган важлар деб баҳолаб, унинг ушбу важлари жиноят иши ҳужжатларидаги далиллардан ташқари, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг суд мажлисида берган кўрсатувлари билан тўлиқ инкор этилади.

Суд, судланувчи Д.Абидходжаевнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Д.Абидходжаевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, Д.Абидходжаев ушбу жиноятни ғаразли



ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг муқаддам судланмаганлиги, оилавий ва моддий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, шунингдек жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари суд, судланувчи Д.Абидходжаевдан жабрланувчи Хожиматов Файзулло Хамидуллаевич фойдасига 37.000.000 сўм етказилган моддий зарарни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Абидходжаев Джахангир Дилшадович (Abidxodjayev Djahangir Dilshadovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Абидходжаев Джахангир Дилшадовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташ белгилансин.

Жазонинг ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижроси Д.Абидходжаевнинг яшаш жойидаги Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Абидходжаев Джахангир Дилшадовичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Д.Абидходжаевдан жабрланувчи Хожиматов Файзулло Хамидуллаевич фойдасига 37.000.000 (ўттиз етти миллион) сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи  
Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

З.Нуриддинов

